

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**«ПОЧТА АЛОҚАСИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ТАЛАБЛАРИ» МАҲСУС ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТИ**

2014 йил

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ РЕГЛАМЕНТ
«ТРЕБОВАНИЯ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ
В ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ»**

2014 йил

Расмий нашр

ТОШКЕНТ

Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперталар кенгаши томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги _____ даги ____-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

3 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Махсус техник регламент
«Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар»

1 БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-§. Қўллаш соҳаси

1. Ушбу «Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар» махсус техник регламенти (бундан кейин – Регламент) почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, етказиш) ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг, шунингдек почта алоқаси хизматларини кўрсатишда ишлаб чиқариш-технологик комплекси хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

2. Ушбу Регламентнинг тартибга солиш объектлари қўйидагилар хисобланади:

- почта алоқаси хизматлари;
- почта алоқаси хизматлари тақдим этилишини таъминловчи почта алоқаси воситалари.

Ушбу Регламент почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматларга таалтуқли эмас.

3. Ушбу Регламент почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи барча почта алоқаси операторлари ва провайдерларига тааллукли.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари барча почта алоқаси хизматларини кўрсатиш босқичларида хавфсизлик бўйича талабларни амалга ошириш ва уларга риоя қилишга мажбурлар.

2-§. Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

4. Ушбу Регламентда кўйидаги тушунчалар қўлланилган:

номли буюм - хужжатлар, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкларига почта алоқаси обьекти номи, почта вагони, автотракт йўналиши, почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси ва бошқа ахборотни қабул қилиш ҳамда келиб тушган санасини кўрсатган ҳолда из тушириш учун мослама (штамп);

почта, курьерлик жўнатмаларини назорат қилиш – почта, курьерлик жўнатмалари ва почта буюмларида жўнатилиши тақиқланган моддалар ва предметларни

аниқлаш мақсадида уларни визуал текшириш йўли билан ва техник назорат қилиш воситаларини кўллаган ҳолда текшириб чикиш;

куръерлик жўнатмалари – жўнатилиши қисқа муддатларда кўлдан-кўлга етказиб берилган (топширилган) ҳолда амалга ошириладиган почта варакчалари, хатлар, бандероллар, посылкалар, босма нашрлар;

халқаро почтамт – халқаро почта алмашинуви жойи бўлиб ҳисобланган, халқаро почта, куръерлик жўнатмаларини жўнатиш, топшириш, почтани бириктирилган магистрал йўналишлар бўйича ташиш, транзит, чиқувчи ва келувчи почта алмашинувига ишлов бериш, шунингдек, фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини тақдим этишини амалга оширувчи почта алоқаси миллий операторининг таркибий бўлинмаси;

почта алоқаси миллий оператори (бундан кейин – миллий оператор) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикаси доирасида мажбурий равишда универсал хизматлар кўрсатиш вазифаси юклатилган почта алоқаси оператори;

почта алоқаси объектлари – почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек, бошқа бўлинмалар);

почта алоқаси оператори – мулк ҳуқуки ёки бошқа ашёвий ҳуқуклар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифати-да почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

ёзма хат-хабарлар - оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта варакчалари ҳамда оддий, буюртма секограммалар, шунингдек, майда пакетлар;

почта жўнатмалари – манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посылкалар ва тегишли ўровдаги босма нашрлар;

почта вагони – поезд харакатланаётган йўлда почтани ташиш, ишлов бериш ва алмашиш учун мўлжалланган маҳсус конструкциядаги темир йўл вагони;

почта алоқаси провайдери – фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, куръерлик хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

почта алоқаси воситалари – почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варакчалари ва таралар;

техник назорат қилиш воситалари – хавфли почта, куръерлик жўнатмаларини аниқлаш учун кўлланиладиган маҳсус техника;

почта алоқаси хизматлари – почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти.

П БОБ. ПОЧТА, КУРЬЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

1-§. Почта, курьерлик жўнатмаларининг почта хавфсизлиги юзасидан назоратини ташкил қилишга қўйиладиган талаблар

5. Почта алоқаси хизматларини кўрсатишнинг барча босқичларида уларнинг хавфсизлиги, почта алоқаси обьектларининг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши таъминланиши керак.

Почта алоқаси хизматларининг хавфсизлигини, почта алоқаси обьектларининг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, жўнатилиши тақиқланган предметлар ва буюмларни авиапочтага билмасдан киритиш хавфини камайтириш мақсадида почта алоқаси операторлари, провайдерлари кирувчи почта, курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш (сарапаш)да, шунингдек жўнатиладиган почтани жўнатиш ва шубҳали почта, курьерлик жўнатмаларини текширишдан олдин техник назорат қилиш воситаларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган визуал кўздан кечириш йўли билан хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлаш учун келиб тушадиган почта, курьерлик жўнатмаларини назорат қилиш процедурасини ташкил қилишга мажбурлар шубҳали.

6. Почта, курьерлик жўнатмаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги хавфли предметлар ва буюмлар жўнатилиши тақиқланган:

а) ўқотар, сигнал, пневматик, газли қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, совуқ қурол (шу жумладан, отиш қуроли), электрошок қурилмалари ва учқунли зарядсизлагичлар, шунингдек ўқ-отар қуролнинг асосий қисмлари, ўқланмаган портловчи қурилмалар ва ўқ-дорилар, шу жумладан ўқланмаган гранаталар, снарядлар ва бошқа шунга ўхшаш предметлар, шунингдек бундай қурилмалар ва предметларнинг муляжлари;

б) наркотик воситалар, психотроп, кули таъсир кўрсатувчи, радиоактив, портловчи, заҳарли, ўювчи, тез алантанадиган ва бошқа хавфли моддалар (расмий келишувга мувофиқ – миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари билан келишув бўйича ва Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг тегишли рухсатномаси бўйича соғлиқни саклаш органлари томонидан

бериладиган сертификатлар асосида тиббий ёки илмий мақсадда уларнинг жўнатилишига йўл кўювчи наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ташкари).

7. Почта, курьерлик жўнатмаларида хавфли предметлар ва моддалар жўнатилишининг олдини олиш учун Халқаро почтамт, почта алоқаси обьектлари (почтамтлар, почта алоқаси узеллари, алмашув пунктлари)даги уларни саралаш ва уларга ишлов бериш жойларида назорат учун ажратилган жойлар ташкил қилиниши керак.

8. Почта, курьерлик жўнатмаларини назорат қилиш жойлари қуидагилар билан жиҳозланиши керак:

а) номақбул санитар-эпидемиологик вазиятга эга мамлакатлар, карантин ва обсервация зоналари рўйхати (бундай мамлакатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари бўйича шакллантирилади);

б) почта, курьерлик жўнатмалари катта эътиборни талаб қиласиган мамлакатлар рўйхати (бундай мамлакатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг маълумотлари бўйича шакллантирилади);

в) техник назорат қилиш воситалари;

г) жўнатилиши тақиқланган хавфли ва/ёки тақиқланган предметлар ва буюмлар рўйхати;

д) хавфли ва/ёки жўнатилиши тақиқланган моддалар ва предметлар белгилари бўлган почта, курьерлик жўнатмалари аниқлангандаги хатти-харакатлар тўғрисидаги эслатма;

е) почта, курьерлик жўнатмаларида хавфли ва/ёки жўнатилиши тақиқланган буюмлар ва предметларнинг мавжудлик белгилари рўйхати берилган эслатма;

ж) хавфли ва/ёки жўнатилиши тақиқланган буюмлар ва предметлар белгилари бўлган почта, курьерлик жўнатмаларини изоляция қилиш воситалари, якка тартибда ҳимоя қилиш воситалари;

з) фавқулодда вазиятлар юзага келганда хабар қилиш схемаси;

и) Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасининг тезкор бўлинмалари (бундан кейин – ваколатланган органлар) билан боғланиш телефонларининг рўйхати.

9. Почта, курьерлик жўнатмалари ташки кўздан кечирилганда алоқа ходимлари қуидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари керак:

чекловчи ёзувларга эга почта, курьерлик жўнатмалари (масалан, "Oz`qoliga topshirilsin. Buyurtma bildirishnoma bilan" – "Ўз қўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан" ва х.);

машинкада ёки қўлда ёмон ёзилган почта манзиллари, тўлиқ бўлмаган почта манзилларига эга почта, курьерлик жўнатмалари;

почта манзиллари ва жўнатувчиларнинг фамилиялари кўрсатилмаган почта, курьерлик жўнатмалари;

киркиб олинган ва ёпиширилган ҳарфлардан тузилган почта манзилларига эга почта, курьерлик жўнатмалари;

машхур маданият ва санъат арбобларига, таниқли давлат, ижтимоий-сиёсий ва дин арбобларига, сиёсий партияларнинг етакчиларига мўлжалланган почта, курьерлик жўнатмалари;

ўровлаш усули: шошилинч беркитилган конверт ёки ортиқча ўров ва беркитиш (пластик ўров, каноп ип); қоғоз ўровдаги посылкалар ва ҳ.; конвертларнинг ёпишқоқ тасма билан пухта беркитилганлиги ёки иккинчи (иккитали) конвертдан фойдаланганлик;

ортиқча микдордаги почта маркаларининг мавжудлиги;

силжиган оғирлик марказига эга, конвертнинг юзаси бўйича нотекис қалин ёки оғир бўлган почта, курьерлик жўнатмалари;

букилмайдиган пакетлар;

чикиб турган металл симлар ёки фольга ва улардан ўровда ҳосил бўлган тешиклар;

марципан хиди ёки бошқа кучли хидлар;

механизмларнинг чиқиллаши ёки хуштак ва вишиллаш товушларини эслатувчи товушларнинг мавжудлиги (соатлар, вақт датчиклари ёки сиқиқ газлар);

почта, курьерлик жўнатмаларининг ўровидаги мойли доғлар (излар).

10. Техник назорат қилиш воситаларини қўллаган ҳолда почта, курьерлик жўнатмаларининг назорати уларнинг техник характеристикалари ва уларни қўллашда хавфсизлик чораларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак.

2-§. Почта, курьерлик жўнатмаларини почта хавфсизлиги юзасидан назорат қилиш техник воситаларига қўйиладиган талаблар

11. Почта, курьерлик жўнатмаларини назорат қилиш техник воситаларига қўйидагилар киради:

рентген техникаси;

дозиметр;

металлодетектор;

газоанализатор.

12. Техник назорат қилиш воситалари тайёрловчи заводнинг техник шартларига жавоб бериши, керакли техник хужжатларга эга бўлиши ва факат улар тўлиқ соз бўлган ҳолдагига эксплуатация қилиниши керак. Техник воситаларнинг созлиги ва ўлчашлар аниқлиги «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитланган метрологик хизматларида қиёсланганда аниқланади, қиёслаш натижалари бўйича сертификат берилиши керак.

13. Почта, курьерлик жўнатмаларида яширин ўрнатилган портлаш қурилмаларининг элементларини, хавфли жойланмалар (захарловчи, қўзғатувчи ва радиоактив моддалар, наркотиклар жойланган контейнерлар)ни аниқлаш мақсадида текшириладиган почта, курьерлик жўнатмаларининг таркибини визуал кузатиш ва жойланмадаги айrim предметларни идентификациялаш имконини берувчи рентген техникасидан фойдаланилади.

Рентген техникаси 26 дан 33 mm гача юқори ўтиб бориш қобилиятини (пўлат бўйича) ва 0,09 mm ажратадиган олиш қобилиятини (мис сим бўйича), шунингдек юқори сезирлик режимини таъминлаши керак.

Бундан ташкири, рентген техникаси тасвирнинг қўйидагилар қисмида ишлов берилишини таъминлаши керак:

факат органика ва портловчи моддалар бўйича рангли ажратиш;
рангли, кора-оқ ва негатив тасвир;
тасвирнинг 2-, 4- ... 16-карра катталаштирилиши;
материаллар гурухлари бўйича рангли ажратиш;
органик – органик бўлмаган материалларни рангли ажратиш;
тасвирни "Лупа" режимининг ҳаракатдаги ойнасида катталаштириш;
объектлар тасвирларини таркиби ва қалинлиги бўйича тўртта рангга бўяш;
хавфли предметларни автоматик ажратиш.

Рентген техникаси қўйидаги шароитларда узлуксиз ишлаши керак:

атрофдаги муҳит ҳарорати +5 °C дан + 30 °C гача бўлганда;
+ 25 °C ҳароратда ҳавонинг нисбий намлиги 80 % гача бўлганда;
атмосфера босими 84 дан 106,7 kPa гача бўлганда.

Рентген техникаси конструкцияси қурилма ишлаганда ишчиларни ионлаш нурланишнинг таъсиридан ҳимоя қилишни кўзда тутиши керак.

14. Почта, курьерлик жўнатмаларида радиоактив моддалар, ионловчи нурланиш манбаларини аниқлаш мақсадида ионловчи нурланишлар индикаторлари (дозиметрлар) кўлланилади.

Дозиметр қўйидаги шароитларда тўхтовсиз ишлаши керак:
атрофдаги муҳит ҳарорати минус 10 °C дан + 40 °C гача бўлганда;

+ 30 °C ҳароратда ҳавонинг нисбий намлиги 90 % бўлганда;
атмосфера босими 84 дан 106,7 kPa бўлганда;
фонли нейтрон нурланиш мавжудлигига;
хоналар радиоактив моддалар билан ифлосланган шароитларда;
ёмон ёритиладиган хоналарда ва қоронги хоналарда;
кучланганлиги 318,31 A/m бўлган доимий магнит майдонларда.

Табиий радиация фонининг йўл қўйиладиган даражаси сифатида ушбу худуддаги Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан белгиланган радиацион ҳавфиззик нормалари қабул қилинади.

Ишчи шароитларда дозиметринг ҳарорат ўзгаришидан хатолиги дозиметринг нормал шароитлардаги кўрсатмасидан 10 °C да ± 3 фоиздан ошмаслиги керак.

Дозиметринг кўллашнинг ишчи шароитларида ҳавонинг нисбий намлиги ўзгаришидан хатолиги дозиметринг нормал шароитлардаги кўрсатмаларидан ± 15 фоиз ошмаслиги керак.

Бунда қуйидагилар нормал шароитлар хисобланади:

атроф-мухит ҳарорати (20 ± 5) °C;
ҳавонинг нисбий намлиги 30 фоиздан 80 фоизгача;
атмосфера босими 84 дан 106,7 kPa гача.

15. Ёзма хат-хабарларда металл предметларни аниқлаш мақсадида қўл билан ишлатиладиган микропроцессорли металлодетекторлар.

Металлодетектор қуйидаги шароитларда тўхтовсиз ишлаши керак:
атроф-мухит ҳарорати минус 10 °C дан + 45 °C гача бўлганда;
+ 25 °C ҳароратда ҳавонинг нисбий намлиги 98 фоиз бўлганда;
атмосфера босими 84 дан 106,7 kPa гача бўлганда.

Ёзма хат-хабарларда металл предметларни аниқлашнинг максимал узоқлиги (сезирлиги) 5 дан 15 см гача бўлиши керак.

Металлодетектор иккита ишлаш режимига эга бўлиши керак:

- аудио-визуал индикация режими;
- тебранма режим.

Металл предметлар аниқланганда аудио-визуал индикация ёки детектор корпусининг тебраниши воситасида аниқлаш сигнали ишлаб кетиши керак.

16. Почта, курьерлик жўнатмаларида портловчи, тез алангаланадиган моддалар мавжудлигини аниқлаш мақсадида портатив дрейфспектрометрик газоанализаторлар қўлланилади. Почта, курьерлик жўнатмаларида наркотик, тез алангаланадиган, заҳарли

саноат моддаларининг мавжудлигини аниқлаш учун – экспресс-анализаторлар кўлланилади.

Газоанализатор қуидаги шароитларда тўхтовсиз ишлиши керак:

- атрофдаги мухит ҳарорати $+ 5^{\circ}\text{C}$ дан $+ 40^{\circ}\text{C}$ гача бўлганда;
- $+ 25^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ҳавонинг нисбий намлиги 90 фоиз бўлганда.
- $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ва ҳавонинг 80 фоиз нисбий намлигида газоанализаторнинг чегаравий сезирлиги 10^{-13} g/cm^3 паст бўлмаслиги керак.

Портловчи моддалар буғларининг мавжудлигига жавоб бериш вақти 1 секунддан ошмаслиги керак.

Газоанализатор таҳлил қилинаётган почта, курьерлик жўнатмаларида портловчи моддалар буғлари мавжудлигининг товуш ва визуал (дисплейда) ахборотини, шунингдек текширилаётган почта, курьерлик жўнатмаларининг атрофидаги фонли вазиятга боғлиқ ҳолда портловчи моддалар буғларини аниқлаш чегарасининг ростланишини тъминлаши керак.

3-§. Хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлашдаги хавфсизлик талаблари

17. Хавфли почта, курьерлик жўнатмалари аниқланганда почта алоқаси оператори, провайдери хабар бериш схемасига мувофиқ дарҳол (бир соат ичida) фактлар ва кўрилган чоралар тўғрисида ваколатли органларни хабардор қилиши керак.

Почта, курьерлик жўнатмаларини ваколатли органларга топшириш ушбу органлар томонидан тузиладиган мусодара қилиш тўғрисидаги далолатнома асосида почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан амалга оширилиши керак.

18. Биологик (бактериологик) воситалар, радиоактив ёки кимёвий моддаларнинг мавжудлиги белгиларига эга почта, курьерлик жўнатмалари аниқланганда алоқа ходимлари вентиляцияни ўчириб қўйишлари, дераза ва эшикларни ёпиб қўйишлари, бегона шахсларнинг хонага киришларига йўл қўймасликлари, кейинги кўрсатмалар олгунча жойларида қолишлари керак.

19. Maxsus контейнерлар, сейфлар, темир жавонлар, шкатулкалар, зич ёпиладиган сифимлар хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини изоляция қилиш воситалари бўлиши мумкин.

20. Портловчи моддалар ёки портлатиш курилмаларининг мавжудлиги белгиларига эга бўлган почта, курьерлик жўнатмалари аниқланганда алоқа ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг қисман ёки тўлиқ эвакуация қилиниши тъминланиши керак.

Портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг мавжудлиги белгиларига эга аниқланган почта, курьерлик жўнатмалари изоляция килинмайди. Ваколатли органларнинг вакиллари келгунча бундай почта, курьерлик жўнатмалари билан қандайдир хатти-ҳаракатларни бажаришга йўл қўйилмайди.

21. Портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг мавжудлиги белгиларига эга почта, курьерлик жўнатмалари аниқланганда алоқа ходимларига:

- а) почта, курьерлик жўнатмасини очиш, буклаш, ташлаш;
- б) уни механиқ, товуш, ёруғлик таъсирини кўрсатиш ва иситиш асбобларига яқин жойда сақлаш;
- в) уларни чекланган ва зах жойда сақлаш;
- г) почта, курьерлик жўнатмасини сувга солиш ва устидан бирор нарса ёпиш;
- д) уни бошқа почта, курьерлик жўнатмалари ёнида сақлаш мумкин эмас.

Ш БОБ. ПОЧТА АЛОҚАСИ ВОСИТАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

22. Нормал шароитларда почта алоқаси воситалари уларнинг сақланишини ва алоқа ходимлари ва фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи физик барқарорликка эга бўлиши керак.

23. Почта, курьерлик жўнатмаларини юбориш хизматларини кўрсатиш учун почта варақчалари, почта конвертлари, почта қоплари ва почта контейнерларидан фойдаланилади.

24. Юборишида почта варақчаларининг сақланишини таъминлаш мақсадида уларни тайёрлаш учун картографик, оқланган қофоз ёки 1 m^2 майдонига эга қофоз массаси 220–250 g бўлган оффсетли босма қофоз қўлланиши керак.

Белгиланган талаблардан паст бўлмаган, силлиқлик, оқлик, тозалик кўрсаткичларига эга, майдони 1 m^2 бўлган, 80–250 g массасига эга бошқа қофозни қўллашга йўл қўйилади.

Почта варақчаларининг форматларига ва улардаги ёзувларга қўйиладиган талабларни текшириш учун тегишли аниқлиқдаги ўлчаш воситалари: чизгичлар, штангенциркулар, лупалар, микроскоплар қўлланиши керак. Ўлчаш воситалари белгиланган тартибда қиёсланиши керак.

Текис майдонда букилган жойи юқорига қараб ўрнатилган почта варақчасидаги максимал букилиш (буришиш) катталиги тайёрланган пайтдан бошлаб 4 соатдан кейин чизгич билан ўлчанади.

Почта варакчалари +1 °C дан +40 °C гача ҳароратда ва 80 фоиздан кўп бўлмаган нисбий намлиқда ёпиқ омборларда ўровланган ҳолда сакланиши керак.

25. Жойланмани рухсатсиз очишининг олдини олиш учун конвертни ёпиб турувчи клапан четларига декстрин елим суртилиши керак. Елимли қатлам яхлит суртилган бўлиши ва конверт четларидан 1,5 mm дан кўпга чиқмаслиги керак. Хоссалари бўйича дектринга ўхшаш бошқа турдаги елимни кўллашга йўл қўйилади.

Фойдаланиладиган елим белгиланган санитар нормаларига ва микробиологик ва радиацион муносабатдан, шунингдек алоқа ходимлари ва хизматлардан фойдаланувчиларнинг соғлиги учун хавф туғдирувчи кимёвий ифлослантирувчилар таркиби бўйича хавфсизлик талаблари қисмидаги қоидаларга жавоб бериши керак.

Елимнинг гигиеник кўрсаткичлари ва хавфсизликнинг йўл қўйиладиган хавфсизлик нормалари 1-жадвалда кўрсатилган нормаларга мос бўлиши керак.

1-жадвал

Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалар, mg/kg, кўп эмас	Эслатма		
Захарли элементлар:				
кўрғошин	0,5			
мишъяқ	0,5			
кадмий	0,1			
симоб	0,02			
Пестицидлар:				
гексахлорциклогексан	0,5			
α, β, γ -изомерлар	0,1			
ДДТ ва унинг метаболитлари	0,05			
Радионуклиидлар:				
цезий-137	400 Bq/kg			
стронций-90	100 Bq/kg			
Микробиологик кўрсаткичлар				
КМАФАнМ, КОЕ/g, кўп эмас	Махсулот массаси (g), уларда қуидагиларга йўл қўйилмайди	Ачитки, КОЕ/g, кўп эмас	Моғор, КОЕ/g, кўп эмас	Эслатма
	БГКП (коли- формалар)	Патоген, шу жумл. сальмонеллалар		
$1 \cdot 10^5$	0,01	25	500	500

Юқори клапаннинг елимли қатлами клапаннинг конвертга маҳкам ёпиширилишини таъминлаши керак. Юқори клапаннинг ёпиширилиш маҳкамлиги сувга ботирилган пахта тампон билан намлаш йўли орқали текширилиши керак. Сувнинг ҳарорати +18 °C дан +22 °C гача бўлиши керак. Конверт ёпиширилади ва камида тўрт соатдан кейин юқори клапанни бурчак клапанларидан узиш орқали маҳкам

ёпиширилганик текширилади. Ёпиширилган жой қониқарли даражада бўлганда узилиш конвертнинг қоғозида юз бериши керак.

Конвертнинг қўйи клапанидаги елимли қатламнинг кенглиги уч нуктада – клапаннинг четлари бўйича ва ўрта қисмида аниқланади. Ёпиширилган клапан ён томондаги клапандан ажратилгандан кейин ўлчаш ўтказилади. Барча олинган ўлчашлардан минимал қиймат 1 mm аниқлик билан ўлчашнинг охирги натижаси сифатида қабул қилинади.

26. Ёзишмалар сир сақланишини таъминлаш ва почта конвертларини тайёрлаш учун майдони 1 m^2 бўлган 60–85 g массага эга офсет, картографик, ёзма ёки этикетка учун ишлатиладиган қоғоз қўлланиши керак. Белгиланган талаблардан паст бўлмаган силлиқлик, оқлиқ, тозалик кўрсаткичларига эга, майдони 1 m^2 бўлган 70–100 g массага эга бошқа қоғозни қўллашга йўл қўйилади.

Почта конвертларини тайёрлаш учун 430 дан 450 nm гача эмиссия максимумига эга флюоресцент оқартириш воситаларидан ташқари, люминесцент препаратларга эга бўлмаган қоғоз қўлланиши керак.

27. Конвертлар сифатини назорат қилиш учун 2-жадвалга мувофиқ нуқсонликнинг 1,5 foiz қабул қилиш даражасига ва II назорат умумий даражасига эга танлаб олиш назоратининг икки босқичли нормал режасидан фойдаланиш керак. Конвертлар сифати «кўр-кўрона» (энг катта объективлик методи) билан тузилган танлов бўйича текширилади.

2-жадвал

Доналарда

Тўплам ҳажми	Танлов ҳажми	Танловнинг умумий ҳажми	Назоратнинг нормал тури	
			As қабул қилиш сони	Re брак сони
10001–35000	200	200	5	9
	200	400	12	13
35001–150000	315	315	7	11
	315	630	18	19
150001–500000	500	500	11	16
	500	1000	26	27

Махсулот тўпламининг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш учун:

биринчи босқични танлашда аниқланган нуқсонли бирликлар сони назорат режасининг биринчи босқичи учун кўрсатилган As дан кам ёки тенг бўлса, тўплам талабларга жавоб беради деб хисобланади;

биринчи босқични танлашдаги нұқсонли бирликлар сони назорат режасининг биринчи босқичи учун күрсатилған Re га тенг ёки күп бўлса, тўплам талабларга жавоб бермайди деб ҳисобланади;

назоратнинг биринчи босқичида аниқланган нұқсонли бирликлар сони Ас дан кўп ва Re дан кам бўлса, иккинчи босқич назоратига ўтилади;

нұқсонли бирликларнинг умумий сони назоратнинг иккинчи босқичи учун Ас дан кичик ёки тенг бўлса, тўплам талабларга жавоб беради деб ҳисобланади;

нұқсонли бирликлар сони назоратнинг иккинчи босқичи учун Re га тенг ёки ундан кўп бўлса, тўплам талабларга жавоб бермайди деб ҳисобланади.

Почта конвертларининг конструкцияларига, улар томонларининг бўйлама ва кўндаланг йўналишлардаги тўғри чизиқлилигига, конвертлар бурчакларидағи тиркишларга ва адресат ҳамда жўнатувчи манзилини кўрсатувчи чизиқларни, шунингдек марка учун жойни, жўнатувчининг индекс зонасини чекловчи чизиқларга қўйиладиган талабларни текшириш учун тегишли аниқлиқдаги ўлчаш воситалари: чизғичлар, лупалар қўлланиши керак. Ўлчаш воситалари белгиланган тартибда қиёсланган бўлиши керак.

Почта конвертлари $+1^{\circ}\text{C}$ дан $+40^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда ва ҳавонинг 80 дан кўп бўлмаган нисбий намлигига ёпиқ омборларда ўровланган ҳолда сақланиши керак.

28. Почта, курьерлик жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш максадида уларни боғлаш, тикиш, ўровлаш учун пўстлокли толалар, сур ип-газлама, кимёвий толалар ва иплардан, шунингдек уларнинг бирикмаларидан ишланган каноп иплар қўлланилади.

Пўстлокли толалардан ясалган каноп ип каноптоладан, З-сондан юкори бўлмаган қиска зифир толадан, канопли, жут толали ёки бу толаларнинг аралашмасидан тайёрланган бўлиши керак.

Ип-газламали каноп ип дағал ип-газламали ёки пишитилган калава ипдан тайёрланган бўлиши керак.

Каноп ипни тайёрлаш учун ишлатиладиган кимёвий толалардан полипропилен, капрон ва вискозали иплар қўлланиши мумкин.

Каноп ип ўз структурасига кўра бир ипли ёки кўп ипли бўлиши мумкин.

Каноп ипнинг нормаланган ва ҳақиқий намлиги З-жадвалда кўрсатилған нормаларга мос бўлиши керак.

Каноп ип ҳалқаларсиз, юмалоқланишларсиз ва боғланмаган учларсиз бўлиши керак. Каноп ипнинг 100 м узунлигига 1,5 та йўғонлашган жойлар ва 0,5 та тугунлардан кўп бўлмаслиги керак.

Каноп ипнинг сифатини текшириш учун ҳар бир ўров бирлигидан битта маҳсулот бирлиги танлаб олинади.

3-жадвал

Каноп ип тури	Каноп ипнинг нормаланган намлиги, %	Каноп ипнинг ҳақиқий намлиги, %, кўп эмас
Пўстлоқли толалардан ясалган ва армирланган (кимёвий ип ёки тола билан аралашган) каноп ип	12	17
Вискозали	12	14
Капрон	5	5
Изоҳ – Полипропилен каноп ипнинг намлиги аниқланмайди.		

Ҳар бир танлаб олинган бирликдан пўстлоқли ва армирланган толалардан – 25 м, кимёвий толалардан – 10 м каноп ип учун нуқтали проба танлаб олинади.

Каноп ипнинг намлигини аниқлаш учун учта нуқтали проба танлаб олинади.

29. Механизациялашган ишлов беришда ёзма хат-хабарларнинг бутунлигини таъминлаш мақсадида почта варақчалари ва конвертларида механик шикастланишлар, йиртилган четлар, букилган бурчаклар, ғижимланган, буришган жойлар бўлмаслиги керак. Конвертлар бўш четларининг қирқилган жойлари бир текис ва ғудурларсиз бўлиши керак.

30. Почта қопларида жўнатиладиган почта, курьерлик жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш мақсадида почта қоплари материаллари юзасининг йўл қўйиладиган зичлиги ва максимал йўл қўйиладиган йиртилиш юкламаси 4-жадвалда берилган қийматларга мос бўлиши керак.

4-жадвал

Параметр номи	Қоплар тури учун материал параметрининг қиймати	
	Ҳаво транспорти билан ташиш учун	Қуруқлиқдаги транспорт билан ташиш учун
Юзаки зичлик, g/m^2 , кўп эмас	350	750
Узиладиган юклама, N, кам эмас	600	700

Почта қопларининг ҳошиясига бутун узунлиги бўйича ип-газламали боғич ўтказилиши ва тикилиши керак. Маҳкамлиги бўйича ип-газламали боғичдан қолишмайдиган бошқа турдаги толалар ва иплардан ишланган боғичдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Қоплар учта ипли чок билан тикилган бўлиши керак. Қоплар учун қоп материалининг энг минимал йўл қўйиладиган узилиши юкламасини ва ташилаётган почта,

курьерлик жўнатмаларининг 35 kg гача оғирлигини таъминловчи ип-газламали ёки синтетик иплар қўлланиши керак.

31. Почтани ташиш учун фақат соз ҳолатдаги контейнерлар қўлланиши керак. Контеинернинг корпусида ўткир бурчаклар ва ғудурлар, шунингдек ёриклар бўлмаслиги, контейнернинг эшиклари bemalol очилиб ёпилиши керак.

Контеинернинг ёпиш қурилмаси у жойидан силжитилганда ва ташилганда контейнер эшиги тавақаларининг ўзидан-ўзи очилиб кетиш имкониятини истисно этиши керак. Тормоз қурилмаси 14° бўйлама киялигига асфальт ёки бетон қопламали қуруқ йўлда юклangan контейнернинг қўзғалмаслигини таъминлаши керак.

Тиркама қурилмаси тиркамада бешта юклangan контейнерларнинг ташилишини таъминлаши керак.

Рулнинг тортиш кучи контейнернинг олдинги деворига қаттиқ маҳкамланиши ва маҳкамланган ҳолатдан ўзидан-ўзи чиқиб кетмаслиги керак.

32. Почта, курьерлик жўнатмаларига механизациялашган усулда ишлов берилганда штемпеллаш, боғламларни ўраб боғлаш, қоп тикиш машиналаридан фойдаланилади.

33. Штемпеллаш машиналари конструкциясининг тузилишига кўра уч турга бўлинади:

- I – стол устига қўйиладиган кўчма;
- II – кўчма;
- III – стационар.

34. Штемпеллаш машиналари ҳавонинг ҳарорати $+18^{\circ}\text{C}$ дан $+32^{\circ}\text{C}$ гача, нисбий намлиги 75 фоизгача бўлган ёпиқ иситиладиган ва шамоллатиладиган хонада $+22^{\circ}\text{C}$ гача ҳароратда эксплуатация қилиниши керак.

35. Штемпеллаш машиналари тўлиқ ёпиширилган наклейкалар ва почта маркаларига эга ҳамда бурчаклари букилмаган ва ичида қаттиқ жойланмалар бўлмаган, 0,16 mm дан 6,0 mm гача ўлчамили юзаси билан тахланган почта жўнатмаларига ишлов бериши керак.

Штемпеллаш машиналари элементларининг алоқа ходимларининг хавфсизлигини ва ёзма хат-хабарларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида ўткир бурчаклари, ғудурлари бўлмаслиги керак.

36. Ҳар бир турдаги штемпеллаш машинасининг ишончлилик кўрсаткичлари ва нормалари 5-жадвалда кўрсатилган қийматларга мос бўлиши керак.

5-жадвал

Ишончлилик кўрсаткичлари	Кўйидаги турдаги машиналар учун норма		
	I	II	III
Бузилишгача ишлаш, T_o , час, кам эмас	220	220	220
Хизмат қилиш муддати, $T_{сл.у}$, йил, кўйидаги ресурсда	12	12	12
Циклар сони, T_{py} , кам эмас	$5 \cdot 10^7$	$8 \cdot 10^7$	$10 \cdot 10^7$
Тайёрлик коэффициенти, K_g , кам эмас	0,98	0,98	0,98
Қайта консервациясиз сақланишининг ўртача муддати, $T_{с.у}$, йил	0,50	0,50	0,50

37. Ушбу Регламентнинг 36-бандида белгиланган штемпеллаш машиналарининг ишончлилик кўрсаткичларини баҳолаш, уларнинг статистик назорати методлари ва режалари маҳсулот учун стандартларда белгиланади.

Штемпеллаш машиналарининг синовлари ушбу Регламентнинг 33, 34-банд талабларига жавоб берадиган шароитларда беш йилда камида бир марта ўтказилади.

Ушбу Регламентнинг 36-бандига мувофиқлики текшириш қалинлиги 0,16 mm дан 6,0 mm гача бўлган 100 та хатни штемпеллаш орқали ўтказилади. Штемпеллашдан кейин календарь штемпели ва почта тўлови белгиларининг ҳисобдан чиқарилганлиги белгиларининг мавжудлиги, равшанилиги ва аниқлиги кўздан кечирилади.

Ушбу Регламентнинг 33-банди бўйича ўткир бурчаклар ва ғудурларнинг мавжудлиги ва йўқлиги визуал равишда текширилади.

38. Боғламларни ўраб боғловчи машина боғлаш материаллари сифатида 200 N дан кам бўлмаган узилиш маҳкамлигига эга синтетик тасма ёки каноп ипдан фойдалана олишни таъминлаши керак.

Боғламларни ўраб боғловчи машина боғлаш материалининг узилишга 160 N дан кам бўлмаган бириктириш маҳкамлигини таъминлаши керак. Боғлаш материалининг тортилиш кучи 100 N кам бўлмаслиги керак.

Боғламларни ўраб боғловчи машинасининг конструкцияси боғлаш материалининг тортилиш кучини ростлаш имкониятини таъминлаши керак.

Боғламларни ўраб боғловчи машина боғлашни бажаришда боғланаётган предметларни шикастламаслиги керак.

39. Боғламларни ўраб боғловчи машинанинг ишончлилик кўрсаткичлари ва нормалари 6-жадвалда кўрсатилган қийматларга мос бўлиши керак.

6-жадвал

Ишончлилик кўрсаткичлари	Нормалар
Ўртача ишламай қолишгача ишлаш, циклар*, кам эмас	$9 \cdot 10^4$
Ўртача хизмат қилиш муддати, йил, (ўраб боғлаш сони $2 \cdot 10^7$ циклдан кам бўлмаганда), кам эмас	12
Ўртача тикланиш вақти, соат, кўп эмас	2

* Машина цикли бўлиб, унинг натижасида предмет бир боғлам билан боғланадиган вақт хисобланади

40. Боғламларни ўраб боғловчи машиналарнинг синовлари икки йилда камидаги бир марта ўтказилиши керак.

Боғламларни ўраб боғловчи машиналарнинг ишончлилик синовлари ушбу Регламентнинг 39-бандига мувофиқ ўтказилиши керак.

Бузилмасдан ва узок муддат ишлаш синовлари машиналарни назорат остида эксплуатация қилиш натижалари бўйича ўтказилиши керак.

Синовларни ўтказиш даврийлиги қўйидагича белгиланади:

тўхтамасдан ишлаш учун – ўрнатиладиган тўпламнинг ишлаш натижалари бўйича;
тўхтамасдан ишлаш учун назорат синовлари – уч йилда камидаги бир марта.

41. Қоп тикиш машиналари ҳаво ҳарорати $+ 15^{\circ}\text{C}$ дан $+35^{\circ}\text{C}$ гача бўлган иситиладиган ва шамоллатиладиган ёпиқ хонада эксплуатация қилиниши керак.

Қоп тикиш машинасида ипларнинг тортилиши, чокнинг узунлиги, сиқиши ролигининг материалга босими тартибга солиниши керак. Тартибга солинадиган параметрлар ва уларнинг аниқ қийматлари машиналарнинг ҳар бир тури учун техник хужжатларда белгиланиши керак.

42. Почтани 10 т дан кам масофага ташиш учун почта аравачалари қўлланиши мумкин. Аравачалар унинг хавфсизлиги ва сақланишини таъминлаши керак.

Почта аравачалари тормозлар ва руль бошқаруви ричагини қайд қилгичлар билан жихозланган бўлиши керак. Ҳар бир аравачада унинг юк кўтариш қобилиятини кўрсатувчи тахтача бўлиши керак.

Почтани ортиш ва туширишда, шунингдек бўш аравачаларнинг руль бошқарувининг ричаги вертикал ҳолатга ўрнатилиши ва қайд қилгич билан маҳкамланиши керак.

Почтани тиркама аравачаларга ортиш ва бу аравачалардан тушириш вақтида аравачаларнинг тиркама қурилмаси вертикал ҳолатда бўлиши ва қайд қилгич билан маҳкамланган бўлиши керак.

Аравачаларнинг синовлари машинанинг иқлимга мослаб бажарилишига мос иқлим шароитларида ўтказилиши керак (алоҳида айтиб ўтилган ҳолатлардан ташкари).

Синовларда номинал юқдан фойдаланиш керак, юкнинг ахамияти айтиб ўтилган ҳолатлардан ташкари.

Кўлланиладиган синов ускунаси белгиланган тартибда шаҳодатланиши керак.

43. Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда почта, куръерлик жўнатмаларининг оғирлигини аниқлаш ва барча ишлов бериш босқичларида уни назорат қилиш учун почта тарозисидан фойдаланилади.

Почта тарозиси тайёрловчи заводнинг техник шартларига мос бўлиши, керакли техник ҳужжатларга эга бўлиши, шунингдек соз ҳолатда бўлиши, «Ўзстандарт» агентлигига шаҳодатланиши ва қиёсланиши керак. Тарози техник ҳужжатларга мувофиқ унга туширилиши керак бўлган кўзга ташланадиган жойдаги ишонч тамғасининг изига эга бўлиши керак.

Тарози созлиги ва унинг ўлчаш аниқлиги аккредитация қилинган метрология хизматларида қиёсланиши керак, унинг натижалари бўйича қиёсланиш тўғрисидаги сертификат берилиши керак.

Почта, куръерлик жўнатмаларининг оғирлигини аниқлаш учун тарози бегона шахсларнинг фойдалана олишларини истисно этиши учун тагликлар, тўсиқлар, столларнинг чурилган секцияларида барқарор ўрнатилиши керак. Тарози майдончasi почта, куръерлик жўнатмаларига ишлов бериладиган стол юзасидан (15 – 20) mm баландроқ бўлиши керак.

44. Тарози қўйидаги ҳарорат диапазонларида ўз метрологик характеристикаларини саклаши керак:

ноавтоматик мувозанатланадиган тарози учун - минус 20 °C дан +45 °C гача;

автоматик ёки яrim автоматик мувозанатланадиган тарози учун - минус 10 °C дан +45 °C гача.

Тарозининг вазифасига боғлиқ ҳолда 30 °C дан кам бўлмаган чегаралар ўртасидаги диапазонга эга ишчи ҳароратларнинг бошқа чегаралари белгиланиши мумкин. Бу чегараларда тарози ўз метрологик характеристикаларини саклаши керак.

45. Автоном электр таъминотга эга электрон тарози муайян турдаги тарози учун техник шартларда кўрсатилган минимал қийматдан паст электр энергияси манбаи кучланишининг пасайишини қайд қилиши керак ва бунда ўлчашларни блокировкалаб, кучланишнинг йўл қўйиб бўлмайдиган даражаси тўғрисида сигнал бериши ёки автоматик равишда манбадан узилиши керак.

Ўзгарувчан ток тармоғининг электр энергиясидан ишловчи электрон тарози таъминот параметрлари қўйидагича ўзгарганда ўз метрологик характеристикаларини сақлаши керак:

кучланиш бўйича – номинал қийматнинг минус 15 фоизидан плюс 10 фоизигача;
частота бўйича – номинал қийматнинг минус 2 фоизидан плюс 2 фоизигача.

46. Почта, курьерлик жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш ва улар жойланмасидан рухсатсиз фойдалана олишнинг олдини олиш мақсадида сурғучни қиздириш асбоблари (бундан кейин – электр сурғуч идиши)дан фойдаланилади.

Электр сурғуч идиши сурғуч қаттиқ қиздирилганда унинг тармоқдан узаб қўйилишини таъминловчи терморостлагич билан жиҳозланиши керак. Терморостлагич билан жиҳозланмаган электр сурғуч идишидан фойдаланилганда иш жойида тортиш вентиляцияси кўзда тутилган бўлиши керак.

Электр сурғуч идиши корпусини қиздириш ҳарорати $+45^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак.

Сурғуч қиздирилганда ва почта, курьерлик жўнатмалари муҳрланмайдиган пайтларда электр сурғуч идишининг қопқоғи зич ёпилган бўлиши керак.

47. Почта, курьерлик жўнатмаларини полиэтилен қобиқларга ўровлаш учун термопайвандлаш машиналаридан фойдаланилади.

Термопайвандлаш машиналари ҳавосининг ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан $+35^{\circ}\text{C}$ гача ва нисбий намлиги 80 фоизгача бўлган иситиладиган ва шамоллатиладиган ёпиқ хоналарда $+25^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эксплуатация қилиниши керак.

Ишлаганда термопайвандлаш машинасининг тўсиб турувчи юзалари $+45^{\circ}\text{C}$ дан юқори қизимаслиги керак.

48. Оддий ёзма хат-хабарларни йиғиш учун почта қутиларидан фойдаланилади.

Почта қутилари уйларнинг деворларига ёки алоҳида устурлар (таянчлар)га фойдаланувчилар учун бўлган жойларда ишончли маҳкамланиши керак.

Ёзма хат-хабарлардан рухсатсиз фойдалана олишни, унинг сақланиши ва бутунлигини таъминлаш мақсадида почта қутисининг тагини очиш ва ёпиш механизми қути тагининг ёпиқ ҳолатда ишончли маҳкамланишини таъминлаши, бир турдаги қутилар учун мўлжалланган ўзаро ўрнини босадиган бўшатувчи рамкалар билан бажарилиши керак.

Почта қутилари қўйидагиларга нисбатан чидамли бўлиши керак:

$+ 25^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ёмғир ва 95 фоизгача ҳавонинг нисбий намлигининг таъсирига;

атроф-мухитнинг минус 20°C дан $+ 45^{\circ}\text{C}$ гача ҳароратига. Почта қутиларининг ўртача хизмат килиш муддати камида 10 йил бўлиши керак.

**IV БОБ. ПОЧТА, КУРЬЕРЛИК ЖҮНАТМАЛАРИНИ ТАШИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ҚҮЙИЛАДИГАН
МАХСУС ТАЛАБЛАР**

49. Магистрал йұналишларда поча жүнатмаларини ташиш учун «Техник эксплуатация қилишда темирийүл транспорти хавфсизлиги тұғрисида»ги Умумий техник регламент талабларига жавоб берувчи поча вагонларидан фойдаланилади.

50. Почта вагонлари соз ҳолатда бўлиши, поча вагонининг конструкцияси бутун хизмат қилиш муддати давомида хавфсизлигини таъминлаши керак.

Почта вагонлари даврий равища улар эксплуатация қилишга яроқли деб тан олиниши мумкин бўлган техник хизмат кўрсатишдан ўтиши ва даврий равища таъмирланиши керак.

Даврий таъмирлаш муддати ўтиб кетган поча вагонларидан фойдаланишга йўл кўйилмайди.

51. Вагонга қабул қилинадиган почтанинг умумий массаси вагоннинг юк қўтара олиш қобилиятидан ошмаслиги керак.

52. Почта, курьерлик жүнатмалари ва почтани кузатувчи алока ходимларининг сақланишини таъминлаш мақсадида поча вагонлари омборларининг ташки эшиклари бегона шахслар томонидан улар очилишини истисно этувчи қулфлаш курилмалари билан жихозланган бўлиши керак. Почта вагонларининг ён эшиклари эшик тўлиқ очилганда унинг силжишини чекловчи курилмалар билан жихозланган бўлиши керак.

Почта вагонлари омборларининг ички эшиклари калит билан ёпилиши ва пломбалаш мосламаларига эга бўлиши керак.

Почта вагонининг деразаларига ойналарнинг ўлчамига тўғри келадиган ҳимоя панжаралари ўрнатилган бўлиши керак.

53. Почта вагонининг саралаш зали ҳужжатлар ва эксплуатация материалларини сақлаш учун мўлжалланган металл жавонлар билан жихозланган бўлиши керак. Жавонлар поча вагонининг полига қаттиқ маҳкамланиши керак.

Жавонлар ишончли қулфлар, муҳрлаш ёки пломбалаш учун мўлжалланган мосламаларга эга бўлиши керак.

54. Барча турдаги поча вагонларида сурғучни қиздириш учун электр сурғуч идишлари кўлланиши керак, бу идишлар поезд ҳаракатланганда уларнинг силжишини ёки ағдарилиб кетишини истисно этувчи тарзда маҳкамланиши керак.

55. Почтани ташиш учун фургон типидаги автомобиллар (кузов-фургон ёки вагон типидаги кузов)дан фойдаланиш керак.

Почтани ташиш учун фойдаланиладиган автомобилларнинг техник ҳолати «Эксплуатация қилиш шартлари бўйича автотранспорт воситалари конструкцияларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Умумий техник регламент талабларига жавоб бериши керак.

56. Кузов-фургон типидаги автомобилнинг кузови тўлиқ ёпилган, мустахкам бўлиши, кузовнинг орқасида ёки ўнг томонида (харакатланиш бўйича) ташкарига очиладиган ёки сурма эшиклар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Кузов-фургоннинг эшиклари автомобиль ҳаракатланганда уларнинг ўзидан-ўзи очилиб кетишига йўл қўймайдиган қулфлаш қурилмаларига эга бўлиши, резина профиллардан ишланган зичлагичлари ва уларни пломбалаш учун мўлжалланган мосламалари бўлиши керак. Кузов-фургон эшиклари энг охиригача очиладиган ҳолатда маҳкамланиши керак.

57. Автомобиль кабинаси ва барча транспорт воситалари учун ўт олдириш калитлари улардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

58. Бегона шахсларнинг кузовга рухсатсиз киришлари, шунингдек автомобилга ҳужум қилишнинг олдини олиш мақсадида ён (мавжуд бўлганда) ва орқа эшиклар кузов эшиклари очилганда ишлаб кетадиган ва ҳайдовчи кабинасига товуш сигналини берадиган сигнализация билан жиҳозланган бўлиши керак.

59. Почтани ташиш учун қўлланиладиган автомобилларга уларнинг идоравий тегишилиги аниқланадиган таниш-фарқлаш белгиларига эга маҳсус фарқлаш белгилари туширилган бўлиши керак.

60. Йўналишлар, ҳаракатланиш жадвали ва йўлдаги режалаштириладиган тўхташлар эҳтимолий хавф нуқтаи назаридан баҳоланиши ва, зарур бўлганда, эҳтимолий хавфни камайтирувчи хавфсизлик чоралари кўрилиши керак.

61. «Эҳтиёт қилинг» белгили посылкаларни сақлаган ҳолда ташиш, ортиш ва туширишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бундай белгили посылкаларнинг устига оғир почтани қўйиш тақиқланади. Ҳаракатланиш вақтида силкинишдан сақлаш учун бундай посылкаларнинг тагига юмшоқ предметлар (намат, пичан, похол ва б.) қўйилиши керак.

62. Ташишда почтанинг сақланишини таъминлаш мақсадида унинг маҳсус ажратилган алоқа ходимлари (бундан кейин – кузатувчи) томонидан кузатилиши ва кўриқланиши таъминланиши керак.

63. Ташилаётган бойликларнинг исталган суммаси билан магистрал йўналишларда автомобиль транспорти билан почта ташилганда уни бир кузатувчи ва ўриндошлик бўйича кузатувчилар сифатида расмийлаштирилган почта автомашинасининг иккита ҳайдовчиси кузатиши ва кўриқлаши керак.

Агар ташилаётган бойликлар суммаси энг кам иш ҳақининг 500 баробаридан ошмайдиган бўлса, почта вилоят ичидағи, туман ичидағи, шахар ичидағи ва олиб борувчи йўналишларда автомобиль транспорти билан ташилганда, уни кузатиш ва қўриқлаш автомашина ҳайдовчисидан ташқари, битта кузатувчи томонидан, агар ташилаётган бойликлар суммаси энг кам иш ҳақининг 500 баробаридан кўп бўлганда, автомашина ҳайдовчисидан ташқари иккита кузатувчи томонидан амалга оширилиши керак.

Почта очиқ қузовли автомашинада ташилганда почтани кузатиш ва қўриқлаш камида иккита кузатувчи томонидан амалга оширилиши керак.

Ташилаётган бойликлар суммаси энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача бўлганда почта туман ичидағи почта йўналишлари бўйича ташилганда уни кузатиш ва қўриқлаш ўриндошлик бўйича расмийлаштирилган битта ҳайдовчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳайдовчи почтани қабул қилиш ва топшириш тартибини, уни ташиш ва қўриқлаш тартибини билиши керак.

64. Кузатувчилар йўлда почта юкланган автотранспортни назоратсиз қолдирмасликлари керак. Йўлда кўзда тутилган тўхташлар ҳолатида автотранспорт ва почтадан фойдаланиш мумкин бўлган барча нуқталар ёпилган (пломбаланган, блокировкаланган) бўлиши керак.

65. Автотранспортдан фойдаланиб почта алмашиб учун почта алоқаси объектларида намунавий алмашув ойналари (бундан кейин – алмашув ойналари) жихозланиши мумкин, уларнинг тури почта алоқаси обьектининг тури ва унинг жойлашган иқлим зonasидан келиб чиқиб танланади.

Алмашув ойналари, почта алоқаси обьекти ва автотранспорт ўртасида алмашув ойнаси орқали почтани кўчириш учун ўрнатиладиган транспортёрлар белгиланган тартибда тасдиқланган техник хужжатларга мос бўлиши керак.

Алмашув ойналари яхлит металдан ишланган бўлиши керак. Алмашув ойнасининг эшиклари бемалол кириш имкониятини истисно этувчи ичкаридан ишончли қулф билан қулфланиши керак. Алмашув ойналарининг чорчўпи ички томондан пойdevор асосига металл курилиш скобалари билан маҳкамланиши керак.

Почта алмашувида алоқа ходимининг кузатувчи билан ўзаро ишлашини таъминлаш учун алмашув ойналари мослама билан жихозланиши керақ, бу мослама ёрдамида кузатувчи автотранспортнинг келиши тўғрисида хабар қилиши керак.

**В БОБ. ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ, ПОЧТА АЛОҚАСИ ОБЪЕКТЛАРИ БИНО ВА
ИНШООТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚҮЙИЛАДИГАН
МАХСУС ТАЛАБЛАР**

1-§. Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги бўйича умумий талаблар

66. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари бинолари ёки иншоотларининг хавфсизлиги техник хизмат қўрсатиш, даврий қўриклар ва назорат текширувлари ва (ёки) қурилиш конструкцияларининг асоси ҳамда мухандис-техник таъминот тизимлари ҳолатининг мониторинги воситасида, шунингдек бино ёки иншоотни кундалик таъмирлаш воситасида таъминланиши керак.

67. Почта алоқаси операторлари, провайдерларининг бинолари ва иншоотларида ёнғин хавфсизлигининг асосий қоидалари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий қоидалар билан белгиланади ва почта алоқасининг барча операторлари, провайдерлари ва почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

68. Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алоқа ходимлари ва мижозларининг Халқаро почтамт, почта алоқаси объектлари худудига кира олишларини ажратиш ва тартибга солиш учун почта алоқаси объектига (объектидан) одамлар ва трансопрт воситаларининг рухсатсиз кириш, ўрнатилган тартибни бузган ҳолда почта, курьерлик жўнатмаларини, моддий бойликларни, шунингдек олиб кирилиши-олиб чиқилиши тақиқланган предметлар ва буюмларни олиб кириш-олиб чиқиш имкониятини истисно этувчи кира олишни назорат қилиш ва бошқариш ташкил қилинган бўлиши керак.

Кира олишни назорат қилиш ва бошқариш алоқа ходимлари, ташриф буюрувчilarни идентификация қилиш ҳамда бир ёки бир нечта тўсиш қурилмалари (эшик, турникет, шлагбаум), қўриқлаш сигнализацияси воситаларини бошқариш вазифасини ҳал этиши керак.

69. Бинолар ва иншоотлар автоматик ёнғин ўчириш ва автоматик ёнғин сигнализацияси қурилмалари билан жихозланган бўлиши керак.

70. Бинолар ва иншоотларда электромагнит майдони ва ионловчи нурланиш мавжуд бўлганда уларнинг таъсиридан ҳимоя таъминланиши керак.

71. Бинолар ва иншоотларда, шунингдек тақсимланган маълумотлар базаларига эга серверлар ўрнатилган алохиди хоналарда серверларнинг тўхтовсиз ишланиши таъминлаш мақсадида, табиий оғатлар сабаби бўйича чирок ўчган ҳолларда, электр узатиш линияларидағи аварияларда, техник хизмат жараёнида ва бошқа ҳолларда резерв электр таъминот тизими кўзда тутилган бўлиши керак.

Резерв электр таъминотига ўтиш ўрнатилган иш режимларини бузмасдан автоматик равища юз бериши керак.

2-§. Халқаро почтамт, почта алоқаси объектларининг ташқи периметри хавфсизлиги бўйича талаблар

72. Почта алоқаси операторлари Халқаро почтамт, почта алоқаси объектларининг жойлашган жойи, ҳудуддаги криминоген вазият, почта, курьерлик жўнатмалари, моддий ва шартли бойликларни сақлаш шароитларидан келиб чиқкан ҳолда ушбу объектларининг ташқи периметри хавфсизлигини таъминлаш заруратини белгилашлари керак.

73. Халқаро почтамт, почта алоқаси объектларининг бинолари шундай жихозланиши керакки:

- а) алоқа ходимлари ёки бошқа шахсларнинг ҳудудга рухсатсиз киришларига ва ҳудуддан рухсатсиз чиқишларига тўскинлик қилинсин;
- б) хизматчиларнинг обьект ҳудудидан кириш ва чиқишларини кузатиш қулийлигини таъминлансин.

74. Миллий операторга тегишли Халқаро почтамт, почта алоқаси обьектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, почта алмашув пунктлари)нинг ҳудуди мажбурий тўсилиши керак.

75. Тўсиқнинг баландлиги 2 дан 2,5 м гача бўлиши, имкони борича тўғри, кузатишни чекловчи ва қўриқлаш техник воситаларининг қўлланишини қийинлаштирувчи ортиқча бурилишларсиз, уни енгиб ўтишни осонлаштирувчи ташқи туртиб чиқкан жойларсиз ва чукурчаларсиз бўлиши ҳамда ер сатҳигача етиб туриши керак. Участканинг периметри бўйича тўсиқ қўшни участкаларга тақалган ҳолда ҳудудий мулк чизиги бўйлаб ўтиши керак.

76. Тўсиқ одамлар (ҳайвонлар)нинг тасодифан ўтишини, транспортнинг киришини истисно этиши ёки қоидабузарларнинг назорат-ўтказиш пунктини четлаб қўриқланадиган ҳудудга киришларини қийинлаштириши керак.

Тўсиқ бутунлиги таъминланганлигининг текширувлари хар хафтада ўтказилиши керак.

77. Тўсиққа периметр давоми ҳисобланган бинолардан ташқари қандайдир тақаб курилмаган иморатлар туташмаслиги керак. Почта алоқаси обьектларининг кўриқланмайдиган ҳудудга чи қадиган биринчи қаватларининг деразалари металл панжаралар, зарур бўлганда эса – металл тўрлар билан ҳам жихозланиши керак.

78. Тўсиққа туташувчи бир қаватли биноларнинг томларига қўшимча тўсиқ ўрнатилиши керак. Бу тўсиқ 3-4 қатор тиканли симлардан ясалган соябондан ёки бошқа курилмадан иборат бўлиши мумкин.

79. Тўсиқ бўйлаб бир-биридан 30 дан 40 м масофадаги қронштейнларда чироқлар ўрнатилиши керак.

80. Манзарали ўсимликлар тўсиқнинг ташки томонидан 0,6 м дан кичик масофага ўтказилмаслиги керак. Тўсиқдан дараҳтларгача бўлган масофа камида уч метр бўлиши керак.

3-§. Ҳимоявий ёритиш бўйича талаблар

81. Почта алоқаси обьекти хавфсизлигининг мақбул даражасини таъминлаш учун етарли даражадаги ҳимоявий ёритиш асосий ёки қўшимча тўсиқ бўйлаб кириш ва чиқишлиарда, фойега киришда, шунингдек бегоналарнинг кириши мумкин бўлмаган бутун ҳудудда ўрнатилиши керак. Автомашиналар учун умумфойдаланадиган тўхташ жойлари ва киришлиар жиноятчиликка қарши бўлган вазиятни яратиш учун етарли даражада ёритилиши керак. Ҳимоявий ёритиш қўриқлаш постидан назорат қилиниши ва бошқарилиши керак.

82. Ҳимоявий ёритиш қўйидагиларни таъминлаши керак:

- а) туташ бўлган ҳудудларнинг етарли дараҷада ёритилиши;
- б) қўриқлаш ходимларининг иш жойларида ўртacha ёритилиши.

83. Ҳимоявий ёритиш бутун ҳудудни, шу жумладан эшикларга олиб борадиган йўлларни, бинолар ва иншоотларни ҳамда уларнинг фасадларидағи ботик жойларни бир текис ёритиши керак. Эшик кесакилари ва бинолар ҳамда иншоотларнинг бошқа ботик жойларида соялар бўлмаслиги керак.

84. Ҳимоявий ёритиш ёнғинга қарши сув манбалари, ташқаридаги ёнғин нарвонларини тез топиш учун етарли бўлиши керак.

85. Бинолар ва иншоотларга барча киришлиар ва олиб борадиган йўллар ҳар бир шахсни кўриш ва унинг кириш хужжатлари, шахсни тасдиқловчи хужжатлари, паспорти ва б.ни текшириш учун етарлича яхши ёритилган бўлиши керак. Автотранспорт

кирадиган барча йўллар бутун машина, унинг йўловчилари ва юк қўринадиган даражада ёритилган бўлиши керак.

86. Ҳимоявий ёритишнинг ёритиши асбоблари исталган турда: осма, консолли, прожекторлар ва бошқа турда бўлиши мумкин.

Оқ-қора қўриқлаш телевидениесидан фойдаланилганда ҳудуд, периметрни ёритиши учун инфракизил прожекторлар қўлланилиши мумкин.

87. Ҳимоявий ёритишнинг ёритувчи асбобларини ўрнатишида фақат ёнмайдиган материаллар қўлланиши керак, уларнинг корпуслари эса ушлаб турувчи трослардан изоляцияланган бўлиши керак.

Ҳимоявий ёритишнинг ёритувчи асбоблари ёнувчи конструкциялар ва материаллардан камида 0,5 м, линзали прожекторлар камида 2 м масофада жойлаштирилиши керак. Ҳимоявий ёритишнинг ёритувчи асбоблари учун ёруғлик фильтрлари ёнмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши керак.

88. Ҳудуднинг периметри бўйича ҳимоявий ёритиш чироқлари тўсиқдан баланд ўрнатилмаслиги керак. Почта алоқаси объектининг ҳудудини қўриқланадиган ёритишнинг магистрал ва тақсимлаш тармоқлари, одатда, ер остидан ёки тўсиқ бўйлаб қувурларда ўтказилиши керак. Ушбу талабларни бажариш имкони бўлмаганда қўриқлаш ёритилишининг хаво тармоқлари тўсиқ орқасидан уларни шикастлаш имкониятини истисно этиш учун почта алоқаси объекти ҳудудида етарлича чуқур жойлаштирилиши керак.

Ҳимоявий ёритиш чироқлари механик шикастланишлардан ҳимояланган бўлиши керак.

89. Тунги вақтда қўриқлаш ёритилиши доимий равища ишлаши керак. Қўшимча қўриқлаш ёритилиши фақат тунги вақтда қўриқланадиган участкалар бузилганда, қўриниш ёмон бўлганда эса – кундузги вақтда ишга туширилиши керак.

90. Электр сим шундай тарзда ташкил қилиниши керакки, қандайдир битта чироқнинг ишдан чиқиши ҳудуднинг катта участкасидаги ёки унинг периметрининг хавфисзлик нуқтаи назаридан муҳим участкада ёритишнинг ишдан чиқишига олиб келмасин.

4-§. Эшикларни жиҳозлаш хавфисзлиги бўйича талаблар

91. Биноларга кириш эшиклари ва бегоналар кириши мумкин бўлган ички эшиклар кулфбузар ўғрилар кириши мумкин бўлган биринчи эшиклар ҳисобланади.

92. Бинолардаги барча ташқи эшиклар қулфни бузиб киришнинг олдини олиш ёки кечиктириш учун етарлича мустаҳкам бўлиши керак.

Мижозлар учун мўлжалланмаган зонанинг ташқи эшиклари пўлатдан ёки қалинлиги 3 mm дан кам бўлмаган тўғри келадиган муқобил материалдан тайёрланган бўлиши керак.

Ойналанган эшик ўрни мавжуд бўлганда, эшикларнинг ички томонидан металл панжаралар ўрнатилган бўлиши керак. Панжараларни ўрнатиш имкони бўлмаганда кириш эшиклари мажбурий тартибда кўриқлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланиши керак.

93. Кириш эшиклари, имкони борича ташқарига очилиши, иккита ўйма (қоплама) қулфлар ва осма қулф билан жиҳозланиши керак.

Икки табакали кириши эшиклари мавжуд бўлганда, унинг бир табакаси эшик полотносининг юқори ва қўйи қисмларида ўрнатиладиган металл тамбалар (шпингалетлар) билан жиҳозланиши керак. Тамба стерженининг диаметри 10 mm дан кам бўлмаслиги, унинг тагидаги тешикнинг чуқурлиги – камида 30 mm бўлиши керак.

94. Металл эшиклар қалинлиги 3 mm дан кам бўлмаган яхлит металл тунукадан тайёрланиши керак.

Ёғоч эшиклар қалинлиги 40 mm дан кам бўлмаган тахталардан тайёрланиши керак, бу тахталар икки томонидан рухланган том ёпиш учун ишлатиладиган пўлат билан копланади, бу пўлат тунуканинг четлари уларнинг ички қисмига букилган бўлади, олд томондан металл тунуканинг туташишлари бундан истисно. Металл тунука периметр ва диагоналлар бўйича 60 mm гача қадам билан узунлиги 40 mm дан кам бўлмаган михлар тахталарга маҳкамланиши керак.

95. Эшик ўрнининг роми (эшик коробкаси) пўлат профил (швеллер, бурчак ва ш.к.)дан ишланиши ва эшик коробкаларига қаттиқ маҳкамланиши керак.

Эшикларнинг ошиқ-мошиқлари мустаҳкам бўлиши ва пўлатдан ишланган бўлиши керак. Маҳкамлаш шуруплар ёрдамида бажарилиши керак.

96. Эшиклар ташқарига очилганда, эшикнинг ошиқ-мошиқлари га улар узилганда ёки улар механик шикастланган ҳолда хонага кириш имкониятига тўсқинлик қилувчи четки илгаклар ўрнатилиши керак. Четки илгаклар эшик ёпилганда эшик коробкасида ўрнатилган анкер пластиналарига ёки шунга ўхшаш элементларнинг ичига киради. Агар эшиклар металдан бўлса, четки илгаклар пайвандланади, эшиклар ёғочдан бўлса, улар шуруплар ёрдамида ўрнатилади.

97. Барча ташқи эшиклар тегишли блокировкалаш механизмлари билан таъминланиши керак.

98. Бинолар ва иншоотлар эшиклари ташқарига бемалол очилиши керак бўлган эвакуация қилиш чиқишиларига эга бўлиши керак. Одамлар хоналарда бўлганда эшиклар уларнинг ўзи ёпилиши учун ички осон очиладиган қулфлар ёки қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Эшикларнинг ўзи ёпилиши учун қурилмалар соз ҳолатда бўлиши керак. Эшикларнинг нормал ёпилиши ёки очилишига тўсқинлик кўрсатадиган қандайдир мосламаларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

5-§. Деразаларни жиҳозлаш хавфсизлиги бўйича талаблар

99. Пул маблағлари, шартли ёки моддий бойликлар, почта, куръерлик жўнатмалари сакланадиган, почта, куръерлик жўнатмаларига ишлов бериладиган ва улар сараланадиган хоналардаги деразалар, фрамугалар ва форточкаларга ойналар қўйилган бўлиши, ишончли соз ҳолатдаги тамбалар ва панжараларга эга бўлиши керак.

Деразаларга панжараларни ўрнатиш имкони бўлмаган ҳолда, деразалар қўриқлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланиши керак.

100. Дераза конструкциялари металл панжаралар билан жиҳозланганда улар хонанинг ички томонидан ёки ромлар орасида ўрнатилиши керак.

101. Агар хонадаги дераза ўринлари панжаралар билан жиҳозланса, улардан бири очиладиган (икки табақали, икки ёқка суриладиган) бўлиши керак. Панжара хонанинг ички томонидан қулф ёки панжаранинг ишончли ёпилишини ва экстремал вазиятларда одамларни хонадан эвакуация қилинишини таъминловчи бошқа қурилма билан қулфланиши керак.

102. Панжаралар ички томондан ўрнатилганда, ромлар ва форточкалар ташқарига очилиши керак.

Панжаралар ромлар орасида ўрнатилганда ташқи ромнинг форточкаси ташқарига очилиши, ички ромнинг форточкаси – хонанинг ичига очилиши керак.

Дераза ўрниларига стационар ромланмаган металл панжаралар ўрнатилганда, сим чивикларнинг учлари камида 80 mm га деворга киритилиши ва устидан цемент коришмаси қўйилган ёки металл конструкцияларга пайвандланган бўлиши керак.

103. Ромланган металл панжаралар ўрнатилганда (ўлчами 35x35x4 mm дан кам бўлмаган пўлат бурчак билан ромланган) бурчак периметри бўйича деворга 80 mm дан кам бўлмаган чуқурликка маҳкам киритилган диаметри камида 12 mm ва узунлиги камида 120 mm бўлган пўлат анкерларга ёки қўйилган деталларга пайвандланиши керак. Анкерлар ёки қўйилган деталлар орасидаги масофа 500 mm дан кўп бўлмаслиги керак.

Анкерлар (қўйилган элементлар)нинг минимал миқдори ҳар бир томонга иккитадан кам бўлмаслиги керак. Қўйилган деталлар ўлчами 100x50x6 mm бўлган пўлат полосадан тайёрланиши ва деворга тўртта дюбеллар билан отилиши керак. Дераза ўринларида очиладиган панжаралар ҳам шунга ўхшаш усул билан маҳкамланиши керак.

104. Барча ташки деразалар тегишли блокировкалаш механизмлари билан таъминланиши керак.

105. Барча фойдаланилмайдиган деразалар маҳкам ёпилиши керак. Тамбалар, пластик полосалар ва ойнани жойда ушлаб туриш учун мўлжалланган бошқа материаллар деразанинг ички томонидан жойлаштирилиши керак. Деразалар буталар билан тўсилмаслиги керак. Подвал хоналарида деразалар бўлган ҳолда улар деразалар ёки дераза шахталарига пўлат чивиқларни ўрнатиш йўли билан ҳимояланиши керак.

6-§. Том тарафидан хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар

106. Том тарафидан хавфсизликни таъминлаш мақсадида чердак люкларининг эшиклиари йўғон, темир билан қопланган бўлиши, ичкаридан осма қулфлар билан ёпилиши керак. Бу қулфлар эшикни кўтариш ва унинг тагига предметларни тиқиши имкони бўлмаслиги учун кисқа қулокларга эга бўлиши керак.

107. Томга бинонинг ичидан зиналар бўйлаб ёки ташкаридан чиқиш мумкин. Кўпгина биноларда кириш ички зиналарга юклаш-ортиш майдончасидаги эшик орқали амалга оширилиши керак. Эшик ушбу Регламентнинг 92-95-бандларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

108. Бинолар ва иншоотларнинг томларида соз ҳолатда бўлиши керак бўлган ташки ёнгин нарвонлари ва тўсиқлар жойлаштирилиши керак, улар йилда камида 2 марта чидамлиликка синалиши керак.

7-§. Шамоллатиш қутилари ва бошқа технологик каналларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар

109. Томга ёки кўшни хоналарга чиқадиган ва ўзининг кесими билан моддий бойликлар жойлашган хоналарга кирувчи, диаметри 200 mm дан кўп бўлган шамоллатиш шахталари, қутилари, мўрилар ва бошқа технологик каналлар ҳамда тешиклар бу хоналарга кириш жойларида металл панжаралар билан жиҳозланиши керак.

110. Барча ерусти коммуникациялари (телефон, электр токи) бинога имкони борича максимал баландликда ўтказилиши керақ, акс ҳолда улар бинога кириш жойигача ташки

манбадан ҳимояловчи ҳимоя қувурига киритилган бўлиши керак. Бинода коммуникациялар (электр токи, телефон, газ) учун қулфланадиган алоҳида хона бўлиши керак. Бу хонада ташқаридан кириш эшиги бўлмаслиги керак.

8-§. Моддий, шартли бойликлар ва почта, куръерлик жўнатмалари доимий ёки вақтинча сақланадиган хоналар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар

111. Нақд пул маблағлари, моддий ва шартли бойликларнинг ишончли сақланишини таъминлаш учун улар сақланадиган хоналар қуидаги талабларга жавоб берни керак:

- а) бошқа хизмат ва ёрдамчи хоналардан ажратилган бўлиши;
- б) стол ва тарози ўрнатиладиган алоҳида хонага эга бўлиши;
- в) қўп қаватли бинонинг биринчи қаватида жойлашиши. Ички ишлар органлари билан келишув бўйича моддий, шартли бойликлар доимий ёки вақтинча сақланадиган хоналарни қўп қаватли бинонинг оралиқ қаватларида жойлаштиришга йўл қўйилади;
- г) капитал деворлари, пол ва шифтнинг мустаҳкам бостирумларига, ишончли ички деворлар ва тўсиқларга эга бўлиши;
- д) иккита эшикка: қалинлиги камида 3 mm бўлган, ташқарига очиладиган, иккита қулф билан ёпиладиган, ичкарисидан металл занжирга, кузатиш тешигига эга ташки, металл эшик ва пўлат панжара кўринишида тайёрланган ҳамда хонанинг ички жойлашиши томон ёпиладиган осма қулфга ёки ўрнатилган қулфга, шунингдек металл зулфинга эга ички, ичкарига очиладиган эшикка ёпилиши;
- е) ромлар орасидаги дераза ўрнида ёки хонанинг ички томонидан, иссиқлик қувурлари, мўрилар, вентиляция каналлари, ингичка деворли тўсиқлар ва ташки томондан бу хонага кириш мумкин бўлган бошқа жойларда металл панжаралар билан маҳкамланиши;
- ж) мажбурий тартибда пул маблағлари ва шартли бойликларни сақлаш учун ёнмайдиган сейфга эга бўлиши.

112. Ички деворлар ва тўсиқлар мустаҳкамлиги бўйича қалинлиги 50 mm бўлган, ҳар бири орасидан пўлат панжара ёки металл панжара билан арматураланган, қалинлиги 120 mm дан кам бўлмаган ғиштили девор ўтказилган қўш гипсобетон панелларга эквивалент бўлиши керак.

Эски қурилган биноларда ички томондан пўлат панжаралар билан маҳкамланган тахталардан ишланган орасида бўшлиқ бўлмаган капитал тўсиқларга йўл қўйилади.

113. Барча панжаралар ўлчами 150x150 mm дан кўп бўлмаган ячейкаларни ҳосил килган ҳолда диаметри камида 16 mm бўлган пўлат чивиқдан тайёрланиши ва қокилган метал қозикларга пайвандлаш йўли билан деворга маҳкамланиши керак.

Қозиклар диаметри 16 mm дан кам бўлмаган пўлатдан тайёрланиши ва қурилиш конструкцияларига камида 150 mm чуқурликка қоқиласди.

Панжаралар ромлари ўлчами 30x40 mm ва қалинлиги 5 mm дан кам бўлмаган пўлат бурчақдан тайёрланиши керак. Бу пўлат бурчак билан периметр бўйича мухандислик тармоқларининг ўтиши учун мўлжалланган эшик коробкалари ва деворлар, пол ва шифтдаги бошқа барча тешиклар жиҳозланади. Буларнинг диаметри 200 mm дан кўп бўлмаслиги керак.

114. Иш кунининг охирида моддий, шартли бойликлар доимий ёки вақтинча сақланадиган хоналарда жиноятчилар томонидан металл сейфларни бузиб очиш учун электродрель, бурчакни силлиқлаш машинкалари ва ш.к. воситалардан фойдаланиш имкониятини истисно этиш учун ёритиш, розеткалар ва электр таъминотнинг бошқа чиқиши нуқталари тоқдан узиб қўйилиши керак. Бундай хоналарда иш куни бошланади билан электр таъминотни ёқиши факат улардан ажратилган хоналар (идоравий қўриқлаш пульти, соқчиларнинг қўриқлаш пости, почта алоқаси обьекти раҳбарининг кабинети)дан бошланади.

115. Шартли бойликлар ва почта, курьерлик жўнатмалари сақланадиган хоналарда майда пакетлар, посылкалар, қиймати энг кам иш хақининг беш бараваридан юқори деб эълон қилинган посылкалар, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар сақланадиган сейфлар, темир жавонлар, оддий посылкалар сақланадиган стеллажлар ўрнатилиши керак.

116. Моддий, шартли бойликлар доимий ёки вақтинча сақланадиган хоналардаги алоқа ходимлари билан ҳисоб-китобларни бажарувчи ходимларнинг иш жойлари босқинчилик хужуми ҳолатида ўз вақтидаги чораларни кўриш учун почта алоқаси обьектларини қўриқловчи ходимларнинг иш жойларига ёки ички ишлар худудий органларининг навбатчи қисмларига чиқадиган тревога сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши керак.

117. Кириш эшиклари тревога шовқин чиқариш сигнализацияси билан жиҳозланади керак.

9-§. Операцион заллар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар

118. Алоқа ходимларини операцион залдан ажратиб туриш учун мижозлар билан операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган ойначали баландлиги 1,5 m дан кам

бўлмаган тўсиқ ўрнатилиши керак. Тўсиқнинг зулфин ва осма қулфлар билан ёпиладиган эшикчалари бўлиши керак.

119. Пул маблағлари, шартли бойликлар, номли буюмларни сақлаш учун иш жойлари сейфлар, металл жавонлар ва б. билан жиҳозланган бўлиши керак.

120. Рўйхатга олинадиган почта, курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш ва топшириш бўйича иш жойининг тўсиғига тарози монтаж қилинган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш майдонлари етарлича бўлганда посылкаларни сақлаш жойларидан иш жойига узатиш учун люк ойначаси жиҳозланган бўлиши керак.

121. Пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш бўйича иш жойига имкони борича бошқа алоқа ходимлари bemalol кира олмасликлари керак.

122. Фойдаланувчилар билан ишлаш учун бир нечта операцион ойналарга эга бўлган почта алоқаси объектларининг операцион залларида бу ойналардан фойдаланган ҳолда эҳтимолий ўғирликлар ёки бошқа бузилишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қўриқлаш постидаги товуш сигнализациясини ишга туширувчи тугма ўрнатилган бўлиши керак.

10-§. Етказиб бериш хизматлари хоналарининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар

123. Етказиб бериш хизматининг хонаси имкони борича бошқа хоналардан ажратилган бўлиши керак.

124. Даврий нашрлар, ёзма хат-хабарларни етказиб бериш участкалари бўйича саралаш ва ишлаб чиқариш хужжатларини сақлаш учун деворга ишланган жавонлар, столлар ўрнатилиши керак.

11-§. Почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш ва саралаш участкаларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар

125. Почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш ва саралаш участкаларининг хоналари ишлов бериш ва саралаш билан боғлиқ бўлмаган алоқа ходимларининг bemalol кириб чиқишларини истисно этиб, бошқа хоналардан ажратилган бўлиши керак.

126. Эшик ташқарига очилиши ва ички қулф билан, ичкаридан металл занжир (зулфин)га ёпилиши керак. Эшикка кузатиш тешиги ўрнатилган бўлиши керак.

VI БОБ. ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

127. Ушбу Регламент талабларини бажариш ва уларга риоя қилишни таъминлаш устидан давлат назорати қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII БОБ. ЎТУВЧИ ҚОИДАЛАР

128. Ушбу Регламент амалга киритилган пайтдан бошлаб 1-иловада келтирилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлари мажбурий характерини йўқотиб, ушбу Регламент қоидаларига зид келмаган қисмида ихтиёрий равишда қўлланиши мумкин.

129. Ушбу Регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой давомида амалга киритилади.

«Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш
бўйича талаблар» маҳсус техник
регламентига 1-илова

**Мажбурий характерни йўқотувчи
Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартларининг
РЎЙХАТИ**

Белгиланиши	Номи
O‘z DSt 1020:2002	Почта конвертлари. Техник шартлар
Oz DSt 1100:2005	Почта шагати. Техник шартлар
O‘z DSt 1099:2006	Почта қоплари. Техник шартлар
O‘z DSt 1143:2008	Почта варакчалари. Техник шартлар